

ТОШКЕНТ

2007 йил, 13 июль, жума

ОҚШОММИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 134 (10.943)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР
САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Республика Шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах вилояти филиалида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида тез тиббий ёрдамни ташкил этишнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.
- Ўзининг 2000 йиллигини нишонлаш арасида турган Марғилонга ташриф буюраётган сайёҳлар оқими кўпайиб бормоқда. Ўзгариш таътил бошлангандан бери ушбу шаҳарни 3 мингдан зиёд ўқувчилар, талабалар зиёрат қилишди. Фарғона вилояти саёҳат ва экскурсия бюроси, «Фаргонатурист» масъулияти чекланган жамияти ва бир қатор ташкилотларнинг ўзaro келишуви туфайли «Кўқон-Марғилон», «Фарғона-Марғилон» ҳамда барча туманлар марказлари ва Марғилон йўналиши бўйича бепул экскурсиялар уюштирилди.
- Тошкентда республиканинг турли вилоятларидан келган ҳамширалар ва шифокорлар иштирокида ОИТСга қарши курашиш, унинг олдини олишга қаратилган семинар-тренинг ўтказилди. Унда Украина, Санкт-Петербург, Женева ОИТС марказларининг ҳамширалари ҳам иштирок этишди.
- Урганч тиббиёт коллежи қошидаги минтақавий малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказида республика тиббиёт коллежлари касбий фан ўқитувчилари иштирокида марказ фаолиятига бағишланган танишув-тақдирот бўлиб ўтди.
- Самарқанд шаҳрида жисмоний имконияти чекланган болалар ўртасида анъанавий «Мафтункор ранглар дунёси» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.
- Қарши Давлат университетида магистрларга диплом топириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда 2006-2007 ўқув йилида Қарши Давлат университетини тугатган 100 нафарга яқин магистрларга тантанали равишда дипломлар топирилди.
- Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси ташаббуси билан Фарғонада Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига биноан Наманган вилояти тижорат банклари томонидан 3 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Бугунга қадар эса 260 дан ортиқ ёш оила шундай кредит билан таъминланди.
- Андижон вилоятининг Корасув шаҳрида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдулўли Махсум Саъидов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳасанбой Султоновнинг хотирасига бағишланган кулги кечаси бўлиб ўтди.

- Европа Иттифоқи молия вазирлари Франция социалистик партияси етакчилиридан бири Доминик Стросс-Канни Халқаро валюта фондининг бўлғуси раҳбари сифатида тасдиқлашди.
- Бразилия ўзининг атом суви ости кемасини яратиши кераклиги тўғрисида мамлакат Президенти Луиз Игнасио Сула да Силва Санпаулу штатидаги Арамар илмий-текшириш марказида ўтказилган йиғилишда таъкидлади.
- Покистоннинг Исломобод шаҳрида жангарилар ва ҳукумат кучлари ўртасида бир ҳафта давом этган қарама-қаршиликлар бартараф этилди. Шаҳардаги қизил масжидга жойлашиб олган жангариларга қарши олиб борилган «Сукунат» операцияси чоғида 86 киши ҳаётдан кўз юмди. Шундан 10 нафари Покистоннинг махсус хизмати вакиллари эди.
- Германия бундестаги томонидан маъқуланган муҳожирлар тўғрисида янги қонунга қарши мамлакатда истикомат қилаётган турклар томонидан норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Улар қонунда муҳожирларнинг конституцион ҳуқуқлари бузилганини таъкидлашмоқда.
- Ливандаги қочқинлар лагери атрофидаги можаролар давом этмоқда. Хусусан кеча «Фатҳ ал-Ислому» гуруҳи жангарилари билан ўз берган тўқнашув чоғида мамлакат ҳарбийларининг тўрттаси ҳаётдан кўз юмди, 9 нафари ярадор бўлди.
- Жаҳон савдо биржаларида галланинг нархи кутилмаганда бир неча баробарга ошиб кетди. Биржа савдоларига қўйилган донларнинг ўтган йилдаги ҳосилдан эканлиги айтилмоқда. Зеро, бу йилги баҳор мавсуми жаҳоннинг аксарият давлатларида қурғоқчилик билан кечди. Оқибатда галла ҳосилига жиддий путур етди.
- Boeing корпорацияси энг янги Boeing - 787 Dreamliner йўловчи самолётини намойиш қилди. Компаниянинг таъкидлашича, янги ҳаво лайнери хизмати арзонлиги, йўловчилар учун қулайлиги билан фарқланади. Унинг тақдироти Boeing корпорациясининг йиғув заводи жойлашган Сиэтл яқинидаги Эверетт шаҳрида ўтказилди.
- Испанияда содир этилиши режалаштирилган муҳажир қўровчиликнинг олди олинди. Мамлакат полицияси Сантардер портидан йўлга чиқишга шайланган сайёҳлик паромига миналаштирилган автомобилни олиб киришга уринган шахсларни қўлга олди. Маълум бўлишича, ЕТА айирмачилар гуруҳи аъзолари паромни 2400 нафар британиялик сайёҳлар билан бирга портлатиб юбормоқчи бўлишган.
- Ҳиндистон шарқда полициячилар ҳамда маоччи жангарилар ўртасида юз берган тўқнашувлар оқибатида 49 киши ҳалок бўлди. Тўқнашув Чандигарх штатидаги Райпур шаҳрида юз берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БАНКЛАРНИНГ КАПИТАЛЛАШУВИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА УЛАРНИНГ ИШТИРОКИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, уларнинг инвестиция жараёнларида, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда, ишлаб чиқаришни модернизациялашда, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда кенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйдагилар банк-молия тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

- банкларнинг низоом жамғармасини кўпайтириш, уларнинг капиталига аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва эҳтимол тутилган инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорига фаол жойлаштириш ҳисобига банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш;
- тижорат банкларининг ўз капитални ҳисобидан янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ҳамда мавжуд корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдаги инвестиция жараёнларида кенг иштирок этиши, шу асосда рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли бандлигини оширишни таъминлаш;
- нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини янада қисқартириш, миқозларни биринчи талаби бўйича нақд пул билан узлуксиз ва сўзсиз таъминлаш; мини-банклар тармоғини кенгайтириш ва банклар томонидан кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш, миқозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;
- тижорат банкларини юқори малакали профессионал кадрлар билан мустаҳкамлаш, банкларнинг хизмат кўрсатиш масъулияти ва маданиятини ошириш.
- 2. Молия вазирлиги томонидан 2006 йил якунлари бўйича давлат бюджети ҳисобига ўтказилиши лозим бўлган Марказий банк фойдасининг бир қисмини қуйдаги банкларнинг низоом жамғармасини кўпайтириш ва инвестициялаш ресурс базасини кенгайтиришга йўналтириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг тақлифи маъқулансин:

- «Микрокредитбанк» - 42 миллиард сўм, шу жумладан 32 миллиард сўм низоом жамғармасини кўпайтириш ва 10 миллиард сўм кичик бизнес субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаш мақсадида кредит линияси очилсин;
- «Пахтабанк» - 25 миллиард сўм ҳажмида, шу жумладан 15 миллиард сўм низоом жамғармасини кўпайтириш ва 10 миллиард сўм мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини тўлиқ қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида кредит линияси очилсин;
- «Ипотекабанк» - 25 миллиард сўм, шу жумладан 15 миллиард сўм низоом жамғармасини кўпайтириш ва 10 миллиард сўм ипотека кредитлари ҳажминини ошириш мақсадида кредит линияси очилсин.

Тижорат банкларига, йил якуни бўйича барча солиқлар ва тўловлар тўланганидан сўнг, банк фойдасининг камида 30 фоизини банк акционерлик капиталини кўпайтиришга йўналтириш тасвирга асослансин.

3. Тижорат банкларига 2012 йилнинг 1 январига қадар (фойда) солиғи бўйича солиққа тортилмаган базани тасдиқланган мақсадли дастурларга мувофиқ иқтисодиётнинг устувор тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 4 йилдан ортиқ муддатда берилган кредитлардан олинган даромадлар суммасига тенг миқдорда камайтириш ҳуқуқи берилсин.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Мирзиёев) бир ой муддатда мазкур солиқ имтиёзларини бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.
 - 4. Қуйдаги тартиб ўрнатилсин ва унга мувофиқ:
- тижорат банкларининг акцияларини фонд биржасида бирламчи очик жойлаштириш муомаласига янги чиқарилаётган акциялар ҳажмининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади (хусусий банклар бундан мустасно);
 - тижорат банклари акциялари мажбурий тарзда фонд биржаси листингига киритилди ва мунтазам биржа котировкалари матбуотда эълон қилинади.
 - 5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ипотека кредитлашнинг қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилаётган маблағларни банклар бозордан Жамғарма томонидан жалб қилинган маблағлар бўйича фоиз ставкаси ва Жамғарма томонидан имтиёзли кредитлаш дастурини қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларига берилган имтиёзли кредит линиялари бўйича фоиз ставкаси ўртасидаги салбий маржани қоплаш учун мақсадли йўналтирсин.
 - 6. Тижорат банклари:
- ўз филиалларига товар-моддий бойликлар, даромадлар ва бошқа ресурсларни берганда – қўшилган қиймат солиғи ва даромад (фойда) солиғидан;
 - инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий молия институтларининг жалб қилинган кредит линиялари бўйича тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган фоизлар ва бошқа тўловлар бўйича – тўлов манбаидан олинмайдиган солиқлардан озод қилинсин.
 - 7. Пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга оширишда фойдаланиладиган пластик карточкалар, тўлов терминаллари, дастурий таъминот, банк-коматлар, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ахборот киосклар ва бошқа ускуналар ҳамда зарур материалларни импорт қилиш ва улардан фойдаланишда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарорига асосан берилган божхона ва солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати 2010 йилнинг 1 январига қадар узайтирилсин.
 - 8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон банклари уюшмаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда қуйдагилар бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:
- тижорат банклари, молия институтлари, эмитентларни ва улар томонидан чиқарилаётган қимматбаҳо қоғозларни яқка тартибда рейтингли баҳолаш миллий тизимини жорий этиш;
 - тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг агентликларининг кредитга лаёқатлилик рейтингларини олиш.
 - 9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.
 - 10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 12 июль

16
O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР Ишлаб чиқариш ва уларни хориж бозорига харидорларга манзур этишнинг ўзи бўлмади. БУНИНГ УЧУН ТАШКИ БОЗОР ТАЛАБИГА, Жаҳон андозаларига жавоб берадиган товарлар тайёрлаш йўлида изланиш лозим бўлади. ҲАҚИҚИЙ ИЗЛАНУВЧАН ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ БУНИНГ УДДАСИДАН ЧИҚИШМОҚДА.



Иқтисодиёт

ХОРИЖДА ҲАМ ХАРИДОРГИР

Мустақиллигимиз боис тадбиркорликка қаратилган юксак эътибордан самарали фойдаланаётган «SHARQ PLAST SERVICE» масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай иштирокчи ва изланиб меҳнат қилаётган, зарур ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлари билан ички бозорда ўрнини топан, бугунги кунда эса хорижий давлатларга ўз товарларини экспорт қилиш йўлида замонавий техника ҳамда технологиялар қувватидан унумли фойдаланаётган корхоналар сирасидан ҳисобланиб, улар мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Биз тайёрлаётган полимер қувурларимиз ҳамда сантехника жиҳозларидан халқ ҳўжалигининг газ ва сув тармоқларида кенг фойдаланилмоқда, — дейди тадбиркор раҳбар Мурод Пулатов. — 2001 йилда иш бошлаган бўлсак,

айни пайтда «POLIMER GROUP» савдо маркаси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз сифатига қанолат берамиз. Диаметри 16 миллиметрдан 400 миллиметргача бўлган қувурларимизнинг 50 йиллик қанолат муддати ўрнини босувчи маҳсулотлари билан ички бозорда ўрнини топан, бугунги кунда эса хорижий давлатларга ўз товарларини экспорт қилиш йўлида замонавий техника ҳамда технологиялар қувватидан унумли фойдаланаётган корхоналар сирасидан ҳисобланиб, улар мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Биз тайёрлаётган полимер қувурларимиз ҳамда сантехника жиҳозларидан халқ ҳўжалигининг газ ва сув тармоқларида кенг фойдаланилмоқда, — дейди тадбиркор раҳбар Мурод Пулатов. — 2001 йилда иш бошлаган бўлсак,

яна бир автоматлашган линия келтириб ўрнатилмоқда. Улар ушбу технологик линия қувватидан унумли фойдаланиб янги маҳсулот — диаметри 710 миллиметр бўлган полимер қувурлар тайёрлашни йўлга қўйилди. Мазкур маҳсулот юртимиз мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида чиқарила бошлади ва унинг бир қисми Қозоғистон, Тожикистон ва Россия давлатларига экспорт қилинади. Албатта, янги цехнинг иш бошлаши натижасида қўшимча ишчи ўринларини ҳам яратиш кўзда тутилган. Энг асосийси эса мамлакатимиз газ ва сув ҳўжалиги юксалишига, экспорт салоҳияти янада орттишига муҳим ва салмоқли ҳисса қўшилади.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТДА: корхонада мана шундай сифатли маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Кеча сатрларда

- **БУГУН** Тошкент шаҳар ҳокимлигида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.
- **ИЖТИМОЙ** ҳимоя йили муносабати билан Учтепа туманида ташкил этилган ташхис маркази ўз фаолиятини бошлади. Марказга замонавий тиббий жиҳозлар ва технологиялар келтирилди.
- **АЙНИ** кунларда 2007-2008 ўқув йили учун олий ўқув юрларида абитуриентлардан ариза қабул қилиш ишлари

қизгин давом этмоқда. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида янги ўқув йилидан 34 та йўналиш бўйича 1761 нафар талаба тахсил олиши режалаштирилган. Шу кунгача мазкур олий ўқув юртида талаба бўлиш истагида юрган ёшларнинг 4000 нафаридан ариза тушди.

- **КЕЧА** Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида битирувчи бакалавр ва магистрларга дипломлар топирилди.
- **КЕЧА** «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Камолот» билан бирга» мавзусида ўтказилган мусиқий кечада ёшлар

ҳамда талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги Хислат номидаги маҳалла фуқаролари иштирок этишди.

- **КЕЧА** Чилонзор туманидаги «Оқтепа» спорт мажмуасида профессионал бокс бўйича ушбу йилнинг рейтинг жаңларига ҳамюртларимиз Шерзод Назаров ва Сарвар Тожибоевлар рингга кўтарилишди.
- **КЕЧА** Тошкент олий уму-мқўшин қўмондонлик билим юртида курсантлар, офицерлар иштирокида мазкур билим юрти ташкил этилган куннинг 15 йиллиги кенг нишонланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИДА «ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ҚАМОҚҚА ОЛИШГА САНКЦИЯ БЕРИШ ҲУҚУҚИНИ СУДЛАРГА ЎТКАЗИШ - ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТЕГИШЛИ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, МУТАХАССИСЛАР, МАЗКУР ИНСТИТУТ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА ЯПОНИЯЛИК ҲУҚУҚШУНОСЛАР ҲАМ ИШТИРОК ЭТДИ.

Анжуманда Тошкент давлат юридик институти ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Мирзаюсуф Рустамбоев, Япониянинг Нагоя ва Миз университетлари профессорлари Татсухико Уйено, Ичихаши Катсуя ва бошқалар мамлакатимизда қонунни қўллаш ва уни қабул қилиш борасида ўлим жазоси каби жазо турларига нисбатан Ўзбекистон Конституциясининг асосини ташкил этувчи инсонпарварлик тамойилларига мос изчил ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Асосий Қонунимизнинг муқаддимасида инсонпарварликка асосланган демократик ҳуқуқий давлат куриш беш мақсад сифатида эътироф этилган. Конференцияда таъкидландики, ўлим жазоси тайинлашни мумкин бўлган жиноят турлари сонининг изчил ва мунтазам қисқартрилиши тенденцияси 1994 йилдан - мустақил Ўзбекистон-

нинг биринчи Жиноят кодекси қабул қилинган пайтдан бошланган. Изчиллик билан амалга ошириб келинаётган ушбу жараёнга мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши билан якун эсалди. Фармонга кўра, 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазоси жиноий жазо тури сифатида бекор қилинади ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланади.

Ўлим жазоси ўрнига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосининг қўлланиши борасида Ўзбекистон Жиноят кодекси жаҳон тажрибасидаги энг либерал ва муқаммал қонунлардан. Бу қўллаб-қувватлаш экспертлар томонидан эътироф этилган.

(Давоми 2-бетда)

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

ТОШКЕНТДА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛИ (ОМБУДСМАН) ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА МУВОФИҚЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУХБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. У ПАРЛАМЕНТ ОМБУДСМАНИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Давра суҳбатда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, нодавлат ташкилотлар раҳбарлари, Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус ҳамда Россия, Озарбойжон, Испания омбудсман институтлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, экспертлар ва мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С.Рашидова бошқарди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Ф.Отахонов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизими яратилганини таъкидлади. Бугунги босқичда жамоатчилик тафаккурида ҳуқуқий соҳани ислох қилишнинг энг муҳим вазифалари инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлашдир, деган фикр шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эрки, ғурури, шаъни ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги белгилаб қўйилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда юзлаб янги қонунлар қабул қилинди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган ҳуқуқий майдон яратилди. Қонунчи қабул қилиш ва уни қўллаш амалиёти йилдан-йилга такомиллашмоқда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича таъсис этилган демократик институтлар ривожлантирилмоқда. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро битимларга қўшилган, БМТ ва ЕХХТ доирасида қабул қилинган энг муҳим халқаро шартномаларни амалга ошириш бўйича амалий ишлар олиб боришмоқда.

Таъкидландики, ўн икки йил аввал Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини амалга оширадиган давлат органлари тизимида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан парламент назоратининг янги конституциявий институти — Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти таъсис этилди.

Бу ҳақда Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қарор қабул қилинган эди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ўз фаолиятини парламент томонидан 2004 йил 27 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонунга мувофиқ юритди.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда давом этаётган демократлаштириш жараёни жамяят ҳаётидан мустақиман ўрин олди, парламент омбудсмани эса ҳуқуқий давлат курилишида демократиянинг таъсирчан воситасига айланди.

Ўтган йили омбудсман институтига 7655 та, шундан ҳудудий вакилларга 1500 та мурожаат келди. Турли тоифадаги одамларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича мониторинг ўтказилди, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари сингари ташкилотларни ўз ичига олган миллий ҳамкорлар билан биргаликда жамяятнинг барча қатламлари орасида тушунтириш ишлари олиб борилди, халқаро ҳамкорлик янада ривожлантирилди.

Таъкидландики, Омбудсманнинг асосий устувор вазифалари сифатида парламент палаталари, уларнинг қўмиталари билан назорат-таҳлил вазифаларини бажариш борасидаги фаол ҳамкорлиги ҳамда фуқароларнинг мурожаатларини ҳал қилиш, ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга қўмаклашиши Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига

тўлиқ ва самарали риоя этилиши ҳамда ҳимоя қилинишига қаратилган давлат тузилмалари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ҳизмат қилди.

Омбудсман томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизда аккредитация қилинган элчихоналар ҳамда ваколатхоналар кўмағида бошқа давлатлар, жумладан, ЕХХТга аъзо мамлакатлар омбудсманлари билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

Маъзур учрашув учта ялпи сессия шаклида ўтказилди. Улар «Омбудсман фаолиятининг ҳуқуқий қаролатларини кучайтириш: хориж тажрибаси», «Омбудсман тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари», «Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида омбудсман ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари» каби мавзуларга бағишланди.

Давра суҳбати қатнашчилари омбудсман фаолияти, чет мамлакатлар омбудсманлари тажрибаси билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан фикр алмашди.

Мария Луиз Кава Де Лано Каро (Испания), В.Тамбовцев (Россия), З.Алиев (Озарбойжон) ўз мамлакатлари омбудсман институти тажрибаси ҳақида маъруза қилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

ҚОНУНЛАР ТАРҒИБОТИ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА «ЎЛИМ ЖАЗОСИ БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҲАМДА «ҚАМОҚҚА ОЛИШГА САНКЦИЯ БЕРИШ ҲУҚУҚИ СУДЛАРГА ЎТКАЗИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНЛАРНИНГ НОРМАЛАРИНИ АМАЛГА ТАТБИҚ ҚИЛИШГА БАҒИШЛАНГАН ИДОРАВИЙ КЕНГАШ БЎЛИБ ЎТДИ.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш йўлида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Ислохотларнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда умумэтироф этилган халқаро нормаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, дахлсизлиги, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини шакллантиришга қаратилган. Хусусан, бунда жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини босқичма-босқич либераллаштириш юзасидан қилинаётган ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Ф.Отахонов бугунги кунда халқимиз ва жаҳон ҳамжамияти диққат марказида турган Ўзбекистонда ўлим жазосининг жиноий жазо тизимидан чиқариб ташланиши ҳамда қамоққа олиш-

га санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа эканлигини алоҳида таъкидлади. Олий Мажлис Сенатининг ўзини ялпи мажлисда ўлим жазоси бекор қилиниши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар маъқулангани юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий ифодасидир.

Маълумки, ҳар қандай қонуннинг самараси, аввало, ҳуқуқни қўлловчи органлар ходимлари томонидан унинг нормалари қай даражада тўғри ва тўлиқ тушунилишига боғлиқ. Шу боис эндиги муҳим вазифа маъзур қонунларнинг мазмун-моҳиятини ижрочилар ва халқимизга тўла етказиш ҳамда кенг кўламли тушунтириш ишларини олиб боришдир. Бунда адлия органларига алоҳида масъулият юкланади. Бинобарин, ҳуқуқни


қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилиши таъминлаш, жамяятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни мустаҳкамлашга ва қонунчиликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот борасида давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазирлигининг асосий вазифаларидандир.

Кенгашда адлия органларининг қонунларни тушунтириш ва тарғиб қилиш юзасидан келгусида минтақавий ва улар доирасида ишчи кенгашлар, конференциялар, хориқлик мутахассислар иштирокида халқаро давра суҳбатлари ўтказилишига оид вазифалари, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризация қилиш ҳамда амалдаги қонунчиликка мослаштириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш борасидаги масалалар таҳлил қилинди.

Қонунларни ижрочилар ҳамда аҳолига тушунтириш ҳамда Адлия вазирлиги томо-

надан яратилган қонун ҳужжатларининг миллий базаси, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» нашри ҳамда бошқа оммавий ахборот воситалари имкониятларидан унумли фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратилди. Республика юристлар малакасини ошириш марказининг ўқув курсларидан мазкур қонунларни қўлловчи суд-ҳуқуқ тизими ходимларини ўқитиш зарурлиги таъкидланди.

Қайд этилган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий аҳамиятини ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар самарасини кенг жамоатчиликка, дунё ҳамжамиятига етказишга йўналтирилган нашрлар тайёрлаш лозимлиги айтилди. Келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.



Сўлим оромгоҳларда МАРОҚЛИ ДАМ ОЛИШМОҚДА

ЮРТБОШИМИЗНИНГ «ФАРЗАНДАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ» ДЕГАН ПУРМАЪНО СЎЗЛАРИ БУГУНГИ КУНДА БАРЧАМИЗНИНГ ШИОРИМИЗГА АЙЛАНГАН ДЕСАК АДАШМАЙМИЗ. НЕГАКИ, ФАРЗАНДАРИМИЗ БИЗНИНГ СУЯНЧ ТОҒИМИЗ, ОРЗУ-УМИДИМИЗ, КЕЛАЖАГИМИЗДИР. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ УЛАРИНИНГ КЕЛГУСИДА ҲАР ТОМОНЛАМА БИЛИМЛИ, ДОНО ВА ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ ИНСОН БЎЛИБ КАМОЛГА ЕТИШЛАРИ УЧУН ҲУҚУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН КЕСКИЗ ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИЛМОҚДА.

Маълумки, айни замирма кунларда болажонлар ёзги таътил кунларини сўлим оромгоҳларда мароқли дам олиб, мазмунли ўтказишмоқда. Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги баҳаво масканда жойлашган «Автомобилчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳида иккинчи мавсум ўз фаолиятини алоқачон бошлаган. Оромгоҳда дам олувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, бу ерда турли хил тўғараклар мавжуд. Моҳир кўплар, бисер тикшиш, инглиз тили, рақс, шахмат-шашка, сузиш шулар жумласидан бўлиб, ёшлар бу тўғаракларга катта қизиқиш билан қатнашмоқда ва ўз маҳоратларини ошириб боришмоқда. Оромгоҳда шунингдек, «Она юртим Ўзбекистон», «Ўзбекистон Конституциясининг 15 йиллиги», «Эртақлар — яхшиликка етаклар», «Алломиш—мардилик, тинчлик тинчлик» мавзуларида суҳбат ва радиовикторина, «Чемпионлар ораминда», «Миллий рақс ва куйлар» танловлари ҳамда турли қизиқари маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинапти. Жумладан, яқинда оромгоҳда Республика Маънавият тарғибот маркази, Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар ва Юнусобод туман бўлиmlлари, «Камолот» ЕИХ Юнусобод туман бўлими ҳамкорлигида «Биз албатта бахтли бўламиз» мавзусида маънавий-муסיқий тадбир ўтказилди.

Тадбирда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиमतов «Иқтидорли, маънавияти бой ёшлар— давлатимиз таъиниди» мавзусида сўзга чиқиб, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг билим чўққиларини эгаллашлари, камолга етиб, ўзлари орзу қилган соҳанинг етуқ мутахассиси бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилганини таъкидлади. Ёшлар Мустақил Ўзбекистонимизга муносиб ўғил-қиз бўлиб етишишлари учун аввало, билимли, Ватанга содиқ ҳамда юксак маънавият эгаси бўлишлари кераклигини таъкидлади. Тадбир давомида «Биз—Ўзбекистон фарзандларимиз» мавзусида ижодий танлов, шунингдек, «Давлатимиз рамзлари билимдонини», «Ифодали ўқиш», «Энг қаққон дастёр», «Энг чопқир» ва «Энг энцикл рақос» мусобақалари ўтказилди. Оромгоҳда дам олаётган болажонлар учун маъзур мусобақалар жуда қизиқарилиш ва мазмунли ўтди. Тадбир якунида танлов ҳамда мусобақаларда фаол иштирок этиб гўлиб бўлган ёшлар «Камолот» ЕИХ Юнусобод туман бўлими томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, «Хаёт» бадийий хаваскорлик гуруҳи ижросидаги Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кувноқ куй-қўшиқлар тадбирига янада фаёз киритди ҳамда ёшларнинг қалбида бир олам унутилмас таассурот қолдирди.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: «Автомобилчи» оромгоҳида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.

ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонунга киритилган ўзгаришларга асосан, Ўзбекистонда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат икки турдаги жиноят — жазони оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинлангани мумкин.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси хотин-қизлар, ўн саккиз ёшга тўлгунча жиноят содир этганлар, олти ёшдан ошган шахсларга ва тугалланмаган жиноятлар учун тайинланмайд.

Қайд этиш жоизки, Жанубий Корея, Франция, Австрия, Польша, Швейцария, Голландия, Дания, АҚШ каби мамлакатларда умрбод озодликдан маҳрум этиш шаклидаги жазо чорасини қўллашда ҳеч қандай чекловлар назарда тутилмаган.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун жавобгарлик белги-ланган нормаларга оид санкцияларда, умрбод озодликдан маҳрум этиш билан бир қаторда, муқобил жазо сифатида узоқ муддат (20 йилдан 25 йилгача) озодликдан маҳрум этиш жазоларини тайинлаш ҳам кўзда тутилган. Бу масаланингда жуда оқилона ҳал этилганидан яна бир далолатдир. Чунки

инининг барча (енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи) ҳолатларини ҳолис ўрганиб, айбдорнинг шахси, содир этилган жиноятнинг сабабларини ҳисобга олиб жазо турини танлаш асосис равишда умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосининг тайинланишига йўл қўймайди. Шундай қилиб, Ўзбекистон умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосига мажбурий ҳукм қилиш амалиёти жорий этилган, яъни жазонинг бу турига муқобил жазо чораси қўлланмайдиган қатор мамлакатлар йўлидан бормади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш борасидаги ишларнинг мантқиқий давоми бўлди.

Он-лайн режимда ўтган халқаро анжуманда хориқлик олимлар Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оши-

рилаётган ислохотлар бераётган самараларга юқори баҳо бериб, мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини таъминлаш, демократик тамойилларни мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон жаҳоннинг етакчи давлатлари сафидан мустаҳкам жой олганининг яна бир далилидир. — деди Нагоя университети профессори Казутака Сигёра. — Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар инсонпарварлик ва адолатпарварлик тамойилларига тўлиқ мос келади ва бу жараён атрофчида ўрганилиб, бошқа мамлакатларда ҳам қўлланишга арзийди.

Анжуман иштирокчилари жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашнинг ҳуқуқий, ижтимоий, халқаро ва гуманитар аҳамияти, қамоққа олишга санкция беришнинг янги тартиби ва уни қўллаш шартларига доир масалалар юзасидан атрофчида фикр алмашди.

ЎЗА

АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

ПОЙТАХТДА ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING АЁЛЛАРИНИ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ, ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА МАВҚЕНИ ОШИРИШ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН «ХОТИН-ҚИЗЛАРИ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА БОШЛАНЧИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РОЛИ» МАВЗУИДА ЎҚУВ СЕМИНАРИ ЎТКАЗИЛДИ.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, улар учун кенг имкониятлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда кейинги йилларда оилада давлат ва жамяят курилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган кўплаб Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ундан ташқари сайлов қончилигидаги сиёсий партиялардан номзоди кўрсатиладиган хотин-қизлар учун ўттиз фоизга квота ажратилган. Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ўн етти фоизи ҳамда Сенат аъзоларининг ўн беш фоизини аёллар хотин-қизлар ташкил этгани танлиги шу каби ўзгаришларнинг амалий самараси ҳисобланади.

Ҳарбери томонидан Олий Мажлис куйи палатасига қонунчилик ташаббуси асосида киритилган бир қатор қонунларнинг мазмун моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Хотин-қизларнинг сиёсий фаолиятини ошириш вазифасига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партиясининг дастурий аҳолида ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ўқув семинарида сўзга чиққанларнинг таъкидлашича, жамяятни ислох этиш ва янгилаш борасида амалга оширилаётган ишларни тушунтириш юзасидан аҳолининг кенг қатламлари айниса хотин-қизлар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш муҳим вазифадир. Бу жараёнда партиянинг бошланчи ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юклати-

лади. Галдаги ўқув семинарида партиянинг аёллар қаноти, шунингдек пойтахтимизнинг Учтепа ва Шайхонтоҳур туманларидаги бошланчи партия ташкилотлари аъзолари, маҳаллалар фаоллари иштирок этди. Партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб этишда, уларни сиёсий билими доирасини кенгайтиришда шунингдек, хотин-қизлар ўртасидаги гоъвий сиёсий тарбияни кучайтириш мақсадида ўтказилган тадбир муҳим аҳамият касб этади ҳамда ўзининг амалий самарасини бериши шубҳасиз.

Келажакда пундай семинарларни нафақат пойтахтимиз балки Тошкент вилоятининг туманларида ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Рустам ХАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИКМАТЛАР

Сабр қил, сабру таҳаммул яхшидир.

Зарни деб ганжи фақирдан кечмаги

Элда лашкар бўлса, байроқ топилуғ

Кўз очингим, кимни сиз тарк этдинз.

Авжи кўқдин ерга ингайдир кўнги, Оқибатда жузви одам бўлғай ул.

Ҳар неким келгай фалақдин эрта-ке Монеъ йўқ унга, топилмас чора ҳеч

Даҳр аро жам бўлса заррот қанчаси Кўк агар амр этса, пучдир барчаси.

Гар қазо даргоҳига қочса киши, Ўзни қутқаргай, нажот бўлғай иши.

Гар қазодин қочса кимса, кетмагай. Ҳийлаву тадбир анга қор этмагай.

Ул этайму бул дея юрсанг давом, Бул тараддуд хибсу зиндондин ёмо

Ул у ёққа, бул бу ёққа тортқилар, Ҳар бири ўз йўлини тўғри билар.

Нонни бергай ул, магар берди таба

Тийра сўз ширин дудокдин хуш эми, Ул тикан ҳам боғ аро дилкаш эмиш

Берса маъшуқ гар қовоқ — хурмо бур, Хона ҳам ҳамнонадин маъво бўлур

Сўзки ожиз эрса, жим бўл вассалои

Қушчалар дом ичра дон айлаб там, Дому тўр сўйига учгайлар ҳам.

Раҳнамосиз йўл босар бўлса киши Бўйла бўлғай, чаппа кетгайдир иш

Кечма поқларнинг дару деворидин Яхшидир ул гушнанингу гулзоридин

Тунда боқсанг, кўз адашгайдир ба Тун аро равшан қўролмас ҳар касе

Волаю ориф санайдирсен ўзинг, Кўр этурсен лек муруватнинг кўз.

Имтиҳон гар бўлмасайди — кам эд Ҳар муханнас жангда чун Рустам э.

Кўп тиришинг, ёнмадинг, эй пармуз, Сўнгра тутдинг макру безбетликкэз.

Айтмасанг айбинг, гапирма, тилин, Макр ила кибру ҳаводин дилини ти

Сен дуода мустамад бўл, бошни, Ул сени дарду балодин қутқарур.

Сас — чопардирик, борур олдинул.

Бор ҳақиқатни, дедимки, сўйласа Сўйламоқ мушкул экандир, ўйлас:

Гар гадолар таъмагир, ирқит эруп Лек улар гоҳида соҳибдил бўлур.

Куфр агар ҳукми қазодир, куфр эс, Ҳақ куфрга розидир, деб қилма б.

Сўз ҳақиқатнинг сояси ва парчасир.

Сўз баҳонадир. Бир инсонни боа бир инсонга тортган нарса сўз эмас, би иккаловида мавжуд бўлган руҳий биқдан бир парчадир.

Инсон ҳаёлидаги нарса уни ўз ордидан етаклайди. Масалан, боғ хаёли боқдўкон хаёли дўконга олиб боради.

Эргаш ОЧИЛОВ тайлаган

